

“BIOKIMYO” АЖ  
акциядорларининг 2022 йил 29 июндаги  
умумий йиғилиши қарори билан

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**М.Ү.**

Умумий йиғилиш раиси А.Тугизбаев

**“BIOKIMYO” АЖ нинг хомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш  
шартлари, миқдори ва тартиби**

**1. Хомийлик ва беғараз ёрдамни амалга ошириш мақсадлари:**

- фуқороларни ижтимоий жихатдан қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш, шу жумладан аҳолининг ижтимоий жихатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий ахволини яхшилаш, ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга қўмаклашиш;
- аҳолини табиий оғатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишга, баҳтсиз ходисаларни олдини олишга;
- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш;
- маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш;
- террорчилик харакатлари, табиий оғатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;

**2. Хомийлик ва беғараз ёрдам қилиш тақиқланади:**

- тижорат ташкилотларига, сиёсий партияларга ва харакатларга пул маблағлари хамда бошқа моддий маблағлар бериш, уларни қўллаб-қувватлаш;
- сайловолди ташвиқоти ва референдумга қўйилган масалалар бўйича ташвиқот мақсадида хомийлик қилиш;
- қонунга зид бўлган ҳар қандай фаолиятни хомийлик воситасида қўллаб-қувватлаш.
- акциядорларнинг умумий йиғилишида ва жамиятнинг бизнес-режасида белгиланган доирадан ташқари ва кузатув кенгашининг қарорисиз хомийликни амалга ошириш;

**3. Хомийлик ва беғараз ёрдамни амалга ошириш миқдори ва тартиби:**

- хомийлик мақсадларида берилган маблағлар жамиятнинг бизнес-режасида белгиланган миқдор доирасида амалга оширилиши;
- хомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган **соф фойданинг З фоизидан ошмаслиги керак** ҳамда бу харажатлар улар бизнес-режасининг ўтган хисобот давридаги **соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади** (бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно).
- акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган миқдор доирасида, факат кузатув кенгашининг қарори билан амалга ошириш;
- акциядорлар учун амалга оширилган хомийликлар бўйича маълумотларни (хомийлик маблағлари ўтказилган кундан сўнг 10 кунда) жамиятнинг расмий веб-сайтида ошкор этиш;
- хомийлик мақсадларига йўналтирилган маблағларнинг хисобини юритиш ва чораклик, йиллик хисоботларда акс эттириш;
- хомийлик мақсадларида маблағларнинг ўтказилиши, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майдаги “Хомийлик тўғрисида”ти ЎРҚ-96 сонли Қонуни бўйича амалга оширилади.